

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК факультети

“КОНЧИЛИК ИШИ ВА ГЕОДЕЗИЯ” кафедраси

**В 5311500-“Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Гувалак массивида ер ҳисобини юритиш бўйича
электрон дастурларни қўллаш**

БМИ бажарувчи:

Хамраев Шухрат Закирович

Раҳбар:

Бозоров Махмуд Мўминович

Қарши 2018 йил

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“КИ ва Г” кафедраси мудир
_____ қ.х.ф.н., Ғ.Н.Алиқулов
“ ” _____ 2018 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ УЧУН ТОПШИРИҚ

Талаба Ҳамраев Шўхрат Зокирович

1.Битирув малакавий ишининг мавзуси: Косон тумани Гувалак массивида ер ҳисобини юритиш бўйича электрон дастурларни қўллаш
“ ” .201 йил № _____–сонли ҚарМИИ ректорининг буйруғи билан тасдиқланган.

Битирув малакавий ишини топшириш муддати «__» __. 201__ йил__

3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар;

2. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар.Массив бўйича кадастр рақамларини шакллантириш тартиби ҳамда йўриқномаси, табиий-иқтисодий шароитлар тўғрисида маълумот. Массив тархи,майдонлар қайдномаси

3.Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати).

1. 1-боб Гувалак массивнинг табиий, ижтимоий–иқтисодий шароитлари тавсифи 2-боб. Ер ҳисобни юритишнинг назарий ва услубий масалалари.3-боб. Гувалак массивида ер ҳисобини юритишни замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш. **4. Хулоса. 5.Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати**

4. Иловалар

5.Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1.Косон тумани Гувалак массиви ерларини амалдаги жойлашув тархи.

2.Косон тумани Гувалак массивда ер ҳисобини юритиш бўйича.

3.Косон тумани Гувалак массив ҳудудидаги фермер хўжалик ерларини кадастр рақамини шакллантириш жадвали.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар.

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	2	3	4	5
1	Хаёт фаолияти хавфсизлиги			

7.Топшириқ берилган вақт «__» _____ 2017 йил

Рахбар: _____ Топшириқ олди _____

8. Битирув малакавий ишини бажариш режаси.

Т/р	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширув дан ўтганлик муддати
		Сана	куни	%	
1.	БМИни бажариш учун топшириқ олиш ва ишчи дастурни ишлаб чиқиш				
2.	БМИ нинг кириш қисмини ёзиш				
3.	И-Боб.Гувалак массивнинг табиий,ижтимоий-иқтисодий шароитлари тавсифи.				
4.	1.Косон тумани Гувалак массивнинг амалдаги жойлашув тархи.				
5.	ИИ-Боб.Ер участкаларига кадастр рақамларини шакллантиришни назарий ва услубий масалалари				
6.	2. Косон тумани Гувалак массивда ер участкалари кадастр рақамларини шакллантириш харитаси.				
7.	ИИИ-Боб.Массивда ер участкаларининг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби				
8.	3. Косон тумани Гувалак массив худудидаги фермер хўжалик ерларини кадастр рақамини шакллантириш жадвали.				
9.	Хулоса қисмини ёзиш ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш				
10.	БМИни расмийлаштириш ва дастлабки химояга қўйиш				
11.	Химояга тайёргарлик кўриш ва дастлабки химоя қилиш				
12.	БМИ расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.				

Битирув малакавий иши раҳбари

Топшириқни бажаришга олдим

Топшириқ берилган вақти

Бозоров М.М

Хамраев Ш.З

_____ 2018 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**5311500-“Геодезия, картография ва кадастр” бакалавриатура таълим
йўналиши**

“Кончилик иши ва геодезия” кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кафедра

мудирини _____ Ғ.Н.Алиқулов

“ _____ ” “ _____ ” 2018 йил

**Косон тумани Гувалак массивида ер ҳисобини юритиш
бўйича электрон дастурларни қўллаш**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ
ДАСТУРИ**

БМИ бажарувчи: Хамраев Шухрат Закирович

Раҳбар: Бозоров Махмуд Мўминович

Қарши–2018 й

Кириш

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида Республикада фермер хўжаликларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Битирув малакавий ишининг мақсади, объекти, ҳажми ва таркиби.

1-БОБ. Гувалак массивнинг табиий, ижтимоий–иқтисодий шароитлари тавсифи

- 1.1 Гувалак массивининг табиий ва ижтимоий шароитлари тавсифи.
- 1.2 Рельефи.
- 1.3 Ердан фойдаланиш тавсифи
- 1.4 Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари

2-БОБ. Ер ҳисобни юритишнинг назарий ва услубий масалалари

- 2.1 Ер фонди – ер кадастрининг объекти сифатида.
- 2.2 Ер ҳисобини юритишнинг мавжуд услублари.
- 2.3 Ер ҳисоби маълумотларидан халқ хўжалиги тармоқларида фойдаланиш тартиби.
- 2.4 Хаёт фаолияти хавфсизлиги.

3-БОБ. Гувалак массивида ер ҳисобини юритишни замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш.

- 3.1 Массив ҳудудидаги ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш.

3.2 Рўйхатлашда электрон дастур қўллаш

- 3.3 . Массивдаги ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олишда замонавий технологияларни қўллаш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

МУНДАРИЖА

Т/р	Боб ва бўлимларнинг номланиши	Бетлар
1	Кириш.....	
2	1-БОБ. Гувалак массивнинг табиий, ижтимоий–иқтисодий шароитлари тавсифи.....	
3	1.1. Гувалак массивининг табиий ва ижтимоий шароитлари тавсифи.....	
4	1.2. Рельефи.....	
5	1.3. Ердан фойдаланиш тавсифи	
6	1.4. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари	
7	2-БОБ. Ер ҳисобни юритишнинг назарий ва услубий масалалари	
8	2.1. Ер фонди – ер кадастрининг объекти сифатида.....	
9	2.2 Ер ҳисобини юритишнинг мавжуд услублари.....	
10	2.3 Ер ҳисоби маълумотларидан халқ хўжалиги тармоқларида фойдаланиш тартиби.....	
	2.4 Хаёт фаолияти хавфсизлиги.....	
11	3-БОБ. Гувалак массивида ер ҳисобини юритишни замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш.	
12	3.1. Массив ҳудудидаги ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш.....	
13	3.2. Рўйхатлашда электрон дастур қўллаш.....	
14	3.3. Массивдаги ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олишда замонавий технологияларни қўллаш.....	
15	ХУЛОСА.....	
16	АДАБИЁТЛАР.....	

Кириш

Республикамиз иқтисодиётида бозор муносабатларини тўла қарор топшириш ҳамда шу билан чамбарчас бўлган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш доирасида мамлакат миллий бойлиги бўлган табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга эришиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигида изчиллик билан ўтказилаётган ислохотлар, хўжалик юритишнинг асосий шакллари-фермер ва деҳқон хўжаликларини бошқариш тизимини яратиш ва фаолиятини эркинлаштириш борасида қилинаётган ишлар бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган.

Республикамиз ҳукумати томонидан иқтисодиётни ривожлантириш, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган ижтимоий сиёсатлар ер муносабатларини такомиллаштиришга, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш даражасини оширишга объектив шароитлар яратди. Республикамизда қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлар ер муносабатларини ривожлантириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилди.

Дунёда рўй бераётган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат бўлиб қолди. Бу борада республикамизда бир қатор изчил ислохотларни ўтказилди, иқтисодиёт тармоқлари модернизация ва диверсификация қилинди. Республикамизда иқтисодий инқирознинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида таъкидлаганларидек, жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008 йилда бошланган глобал молиявий–иқтисодий инқироз салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Ўз-ўзидан аёнки, жаҳон бозорида кечаётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2017-йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шунга қарамадан республикаимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида ўсиш суръатларига эришилди. Бу кўрсаткичлар Республикаимизда молиявий инқирознинг олдини олиш ва иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг тўғри амалга оширилганлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан фойдаланишда мулкчиликни ривожлантириш ва фермерларнинг манфаатдорлигини ошириш борасида ҳам зарур ишлар амалга оширилди. Ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий тартиби тўғрисидаги, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати тўғрисидаги ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, ерларни ер участкалари мулкдорларига ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат. Шу билан бирга ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжалландир.

1-БОБ ГУВАЛАК МАССИВНИНГ ТАБИЙ, ИЖТИМОЙ–ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ

1.1.Гувалак массивининг табиий ва ижтимоий шароитлари тавсифи.

Гувалак массиви Қашқадарё вилояти Косон туманининг ғарбий қисмида жойлашган.Массивнинг чегарасидаги умумий ер майдони 9587 га, шундан 4379 га суғориладиган экин ерларини ташкил этади Массив ҳудудида 3 та қишлоқ жойлашган бўлиб, 16120 та аҳоли кишидан иборат.

Гувалак массиви шимоли-ғарбдан ва ғарбдан Бобур номли массив, шимолдан Андабозор массиви, шарқдан Турон массиви ерлари, жануби-шарқдан “Пистали” массиви ерлари, жанубдан “Қунғиртов” ва “А.Навоий” массиви ерлари, жануби-ғарбдан “Улуғбек” массиви ерлари билан чегарадош.

Иқлими Иқлими. Гувалак массив жойлашган туман ва вилоят иқлими кескин континентал иқлим бўлиб, асосий деҳқончилик маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун қулай ҳисобланади.

Кўп йиллик об-хавони кузатишдан маълумки, бир йиллик ўртача харорат бу ерда 18-20⁰ С ни ташкил қилади ва энг иссиқ даврда хавонинг харорати +43 - +45⁰ С ни, энг совук даврда эса -23 – -26⁰ С ни ташкил қилади («Карши» метеостанцияси маълумотлари).

Бир йиллик хароратнинг тебраниши 66 даражани ташкил этгани холда, вегетация давридаги фойдали ҳарорат йиғиндиси 2220-2260⁰ ташкил этади.

Карши туманида, жумладан Гувалак массив ҳудудида совук кунлар миқдори 72 кунни ташкил этади. Тупроқнинг ҳолати бўйича унга ишлов бериш мумкинлиги аниқланган. Тупроқнинг энг чуқур музланиш даври баъзида 28 – 50 см ташкил қилади. Совуксиз кунлар 200 – 210 кунни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун энг қулай муддат хўжаликда март ойининг охири ва апрель ойининг бошларига тўғри келади.

Гувалак массив худудида йил давомида ёгингарчилик кам бўлади ва 80-100 мм ни ташқил қилади. Энг кўп ёгингарчилик баҳор ойларига тўғри келади. Ёз ойида умуман ёгингарчилик кузатилмайди.

Шамолнинг бир йиллик ўртача тезлиги 4-5 м/сек ни ташқил этади. Гувалак массив умуман иклим шароити бўйича пахта етиштиришга кулайдир. Куйида -жадвалда иклимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

1–жадвал

“Косон” метеостанциясининг маълумотларига асосан иклимнинг асосий кўрсаткичлари.

Ойлар												Ўрта ча иқлими
I	I	II	V	V	V	VI	III	X	X	X	X	
Хавонинг ўртача ойлик харорати, С ⁰												
-	-	5	1	2	2	2	2	1	1	4	-	12,4
4,2	1,5	,6	4,5	1,0	5,3	4,4	4,9	8,8	1,1	,0	1,5	
Ўртача ойлик намгарчилик микдори, мм												
1	9	1	1	6	3	2	1	1	3	7	1	8,2
0		8	0								2	

1.1.2. Рельефи. Гувалак массив ерлари Қарши бош каналининг дёбтасида жойлашган. Ернинг юза қисми асосан Косон бош каналининг терассаларида ривожланган. Рельефи куйидаги элементлардан ташқил топган:

- 1) текисликдаги майдонлар; 2) косасимон паст текисликлар.
- 3) тўлқинсимон текисликлар. Текширилган ерлардаги тупроқларнинг механик таркиби сизот сувлари сатхи ва уларнинг минераллашганлик даражасига шу рельеф турларининг тузилишига бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб массив худудининг рельефи асосан текисликдан ташқил топган.

Гувалак массив ерларида куйидаги генетик гуруҳга кирувчи тупроқлар учрайди: кадимдан суғориладиган, суғориладиган ва янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи, суғориладиган ўтлоқи – тақирсимон, суғориладиган тақирсимон вохали ва бошқа турли даражада шўрланган тупроқлар тарқалган.

Ўрганилган турли тупроқларнинг кимёвий тахлил натижалари, улардаги тузлар таркиби, микдори ва сифати хўжалик учун тузилган тупроқлар шурланиш картограммасида ва унга тегишли экспликацияда аниқ кўрсатилган.

Массив ерларидаги шўрланишнинг асосий манбаи, турли даражадаги минераллашган сизот сувлари ҳисобланади. Уларнинг иссик кунлар даврида буғланиши натижасида суғориладиган ерларда ҳар хил қуринишга эга бўлган шўрланиш майдонлари ҳосил бўлади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқларнинг шўрини ювиш учун массивдаги ва массивлараро бўлган коллектор, зовур ва дренажларнинг чуқурлигини 2,5-3,0 м чуқурлика етказиб, уларнинг оқавалигини яхши таъминлаш лозим. Бу ишларни комплекс агротехник ва мелиоратив тадбирларни кўллаш билан амалга ошириш мумкин.

Ер усти ва ер ости сувлари Гувалак массив ҳудудининг ерлари асосан, Қарши бош канали орқали суғорилади. Гувалак массив ҳудудининг сув билан таъминланиши ўртача, яъни қониқарли даражада.

Гувалак массив ҳудудининг барча майдонлари суғориш тармоқлари билан етарлича яхши таъминланган. Гувалак массив ҳудуди ичида қурилган суғориш каналларининг асосий камчилиги шундан иборатки, ушбу тармоқлар асосан ерда қазилган, турли инженерлик – гидротехник иншоатлар билан кам таъминланган. **массив**даги суғориш каналларининг ўртача йиллик фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,58 - 0,60 ташқил этади, яъни умумий сув микдорининг 42 - 40% исроф бўлади.

Июлнинг ўртача ҳарорати 26,9°, январда—0,9°. Йилига 350 мм ёгин тушади, асосан, қишнинг иккинчи ярми ва баҳорда ёғади. Вегетация даври 263 кун.

2-жадвал

Иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Метеостанция	Ойлар												Ўртача йиллик
	И	И	И	И	В	В	В	ВИ	ИХ	Х	Х	Х	
		И	И	В		И	И	ИИ			И	И	И
Ҳавонинг ўртача йиллик даражаси (°С)													
Ўртача	-1,1	1,4	7,8	14,7	20,2	24,9	26,7	24,8	19,2	12,6	6,6	1,8	13,8
Макс.	21	24	30	35	40	42	41	39	38	36	30	24	41
Мин.	-26	-24	-23	-5	4	7	8	9	2	-7	-20	-30	-29
Ёгин миқдори, мм													
Ўртача	37	30	53	39	19	12	4	1	4	23	30	37	263

Рельефи ва тупроғи. Релефи асосан, текис, шимоли-шарқдан жануби-ғарбга пасайиб боради. Гувалак массиви ҳудуди Қашқадарё дарёсининг 3-қайир усти террасасида жойлашган. Рельефининг тузилиши бўйича тоғ олди тўлқинсимон текисликлардан иборат. Массив ерлари ғарбга нисбатан қияликда жойлашган. Массив далаларининг текислиги қониқарли даражада. Туман ерларида жуда қадимдан деҳқончилик қилиб келинади. Тупроқлари типик бўз тупроқ, дарё сохилларида унумдор ўтлоқи тупроқ. Массив субтропик тоғ олди минтақасида жойлашган бўлиб, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар, суғориладиган типик бўз тупроқлардан ташкил топган. Бу тупроқлар ўзининг суғориш даври маданийлашганлиги, механик таркиби, гумус қатламининг қуввати ва бошқа белгиларига қараб гуруҳларга

бўлинган.Массив ҳудудининг тупроқлари ўзининг хусусиятларига қараб 11 та тупроқ айирмасига ажратилган, шундан 4 таси қишлоқ хўжалик ерлари, 1 таси қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар, 1 таси сув юзасидаги ерларидир. Массив тупроқларининг ўртача балл бонитети 61 баллни ташкил этади. Массив тупроқларининг тўлиқ тавсифи 3-жадвалда берилган.

Гувалак массивининг тупроқ экспликацияси

№ тупроқ айирмалари	Ўзлаштириш даври ва маданийлашганлиги	Механик таркиби			Шўрланиш даражаси	Ювилиш даражаси	Майдони, га		Бонитет балли
		0-30 см	30-100см	100-200см			Умумий	Хайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар	
<p>Субтропик тоғ олди минтақаси Ўрта Осиё провинцияси. Типик бўз тупроқлар минтақаси. Лёссимон ётқизиклар билан қопланган Чирчиқ дарёсининг 3-қайир усти террасаси. 1. Суғориладиган типик бўз тупроқлар.</p>									
1.	Эскидан суғориладиган ўрғача маданийлашган	Оғир кумоқ	Оғир кумоқ	Оғир кумоқ	Шўрланмаган	Ювилмаган	55	32/15	61
2.	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир кумоқ	Оғир кумоқ	Оғир кумоқ	Шўрланмаган	Ювилмаган	121	80/32	73
3.	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир кумоқ	Оғир кумоқ	Оғир кумоқ	Шўрланмаган	Ювилмаган	65	45/14	72
4.	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир кумоқ	Оғир кумоқ	Оғир ва ангил кумоқ	Шўрланмаган	Ювилмаган	154	115/25	68
5.	Янгидан суғориладиган	Оғир кумоқли	Оғир кумоқли	Оғир кумоқли	Шўрланмаган	Кам ювилмаган	32	15/14	45

	кам маданийлашган								
2. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар.									
6.	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Ўрта қумоқли	Ўрта ва оғир қумоқ	Оғир ва енгил қумоқ	Шўрланмаг ан	Ювилмаган	85	36/40	67
7.	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир қумоқли	Оғир қумоқли	Оғир қумоқли	Шўрланмаг ан	Ювилмаган	24	10/12	60
8.	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир қумоқли	Оғир қумоқли	Оғир қумоқли	Шўрланмаг ан	Ювилмаган	140	69/65,2	60
9.	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Оғир қумоқ	Шағал билан тушалган оғир қумоқлар	Шағал	Шўрланмаг ан	Кам ювилмаган	164	88/62,4	54
10.	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар						458	-	-
11.	Сув юзаси						156	-	-
	Жами						1387,6	490/279,6	

Ўртача 50 балл

1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

2017 йил 1 январ ҳолатига нисбатан Давлат далалатномасига мувофиқ Гувалак массиви чегарасидаги жами ерлар майдони 9587 га ни ташкил қилиб массивга 4379 га ер майдони бириктирилган. Массив ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Гувалак массивининг ер фонди

Ер турлари	Майдони		
	Гектар	умумий майдон ига нисбатан, %	Қ/х ерларига нисбатан, %
Ҳайдалма ерлар, жами	4379	46	62
шу жумладан суғориладигани	4379		
Дарахтзорлар: жами	288	3	4
Шу жумладан:			
Боғзор	126		
Токзор	34		
Тутзор	84		
Терак	44		
Пичанзор ва яйловла	2443	25	34
Жами қишлоқ хўжалик ерлари	7110	74	100.0

Томорқа ерлар	848	8.8	
Ўрмонзорлар	139	1.5	
Мелиоративқурилиш холатидаги ерлар	167	1.7	
Бошқа ерлар	1323	14	
Массив ҳудудидаги жами ерлар	9587	100	

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки массив умумий майдонининг 46 % ни ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 288 га, бу эса умумий майдоннинг 2% ни ташкил этади. Ер майдонининг таҳлили шуни кўрсатадики, Массив ҳудудида 2443 га ўтлоқ ва яйловлар мавжуд бўлиб, бу ерларнинг бир қисмини келажакда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ўзлаштириш мумкин. Булар фойдаланиладиган ер майдонларини кенгайтиришнинг ички имкониятлари ҳисобланади. Массивдаги фермер хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва ем – хашак бўйича ихтисослашган.

Қишлоқ хўжалик ерлари 7110 гектар бўлиб умумий ер майдонининг 76.3 % ташкил қилади.

Дехқончилик тавсифи

Массив ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш шуни кўрсатадики, асосий дехқончилик тармоғи пахтачилик ҳисоблангани ҳолда, чорвачилик сингари тармоқлар ҳам ривожланмоқда. Бошқа массивлардаги сингари бу массивда ҳам донли экинларни экиш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда, бундан ташқари кейинги йилларда массивда сабзавотчиликни ҳам ривожлантириш устида қатор ишлар олиб

борилмоқда. Дехқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

5- жадвал

Қишлоқ хўжалик экинлари таркиби.

т /р	Экинлар тури	Экин майдонлари	
		га	% ҳисобида
1	Пахта	2640	60.3
2	Буғдой	1540	35.2
3	Беда:	124	2.8
	шу жумладан: биринчи йил экилган	84	1.9
	ўтган йилларда экилган	40	0.9
4	Сабзавот	75	1.7
	Жами экин майдони	4379	100

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики асосий ҳайдалма ерлар пахта билан банд бўлиб, умумий экин майдонларининг 60.3 % ташкил қилади. Дон майдонлари ҳам умумий экинларнинг 1540 гектарини, яъни 35.2 % ташкил этади. Шунини эътироф этиш керакки, ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги жадвалда дехқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т /р	Экинлар тури	Ҳосилдорли ги, ц	Ялпи маҳсулот хажми, ц	Товар маҳсулот хажми, т
1	Пахта	20,8	54912	5491.2
2	Буғдой: шу жумладан: дони сомони	31,2 31,2	48048 48048	4804.8 4804.8
3	Беда: шу жумладан: Биринчи йил экилган Ўтган йилларда экилган	50 100	1848 440	
4	Сабзавот	160	12000	1200.0
Жами			1172.48	11496

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, массивдаги экинлар таркиби ва ҳосилдорлиги бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Массивда 2017 йил 1 январгача 16120 меҳнатга қобилиятли киши мавжуд бўлган. Шундан 850 киши тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашган. 15270 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган. Массивда жами фойдаланиладиган ер майдони 9587 гектарни ташкил этади ёки ҳар бир меҳнатга қобилиятли одамга 0,46 га фойдаланиладиган ер майдони, 0,42 га ҳайдалма ер майдони тўғри келади.

Чорвачилик тавсифи

Республикамызда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунга асосан хўжаликда чорвачилик аста секинлик билан ривожланмоқда. Бу эса хўжаликнинг ўз озуқа базасига эга бўлишини кўзда тутди.

Массивда 1 та чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бўлиб унга 36,9 га ер майдони бириктирилган бўлиб, шундан 15,4 га суғориладиган ҳайдалма ер 19,7 га ўтлоқ ва яйлов ерлар. Фермер хўжалигида 40 бош қорамол бўлиб шундан 25 бош сигир. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича 2 тонна гўшт ва 30 тонна сут етиштирилади. Массивда мавжуд 11,7 гектар тутзордан етиштирилган барг ҳисобига 3,8 тонна пилла етиштирилади

Бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш. Массивда ҳайдалма ерлардан ташқари 126 га боғ, 34 га узумзор, 84 га тутзор ва 2443 га яйловлар мавжуд.

Массивда боғдорчилик майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори 7- жадвалда келтирилган.

7- жадвал

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Қишлоқ хўжалик ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1.	Боғлар	126	55	693
2.	Узумзорлар	34	65	221
3.	Тутзорлар	84	55	462
4.	Яйловлар	2443	-	-

Жадвалдаги маълумотларга кўра, боғ ва узумзорлардан олинаётган ҳосил республикада ўртача олинаётган ҳосилдорлик кўрсаткичидан жуда паст.

1.6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари

Массив ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

8- жадвал

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

т/р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Ўлчов бир. баҳоси, минг сўм	Умумий баҳоси, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1.	Пахта	Тонна	54912	1050	57657600
	Буғдой		4804.8	1200	57657600
2.	Гўшт	Тонна	40	22000	880000
	Сут		30	2000	60000
3.	Мева	Тонна	30	3000	90000
	Узум		25,3	3000	75900
4.	Сабзавот	Тонна	72,8	800	58240
	Жами				116479340

Массивдаги ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш учун ишлаб чиқариш харажатлари, соф даромад ва рентабеллик даражсини аниқлаш керак бўлади.

Мавжуд бўлган ишлаб чиқариш харажатлари, хўжаликнинг соф даромади ва рентабеллик даражсини қуйидагича аниқлаймиз.

$$X = (ЯМК \times 70) : 100 = (116479340 \times 70) : 100 = 81535538 \text{ минг сўм}$$

$$СД = ЯМ - ЯМХ = 116479340 - 81535538 = 34943802 \text{ минг сўм}$$

$$R = \frac{34943802 \times 100}{81535538} = 43 \%$$

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	Минг сўм	94497665
	Шу жумладан: деҳқончиликда	Минг сўм	9710065
	чорвачиликда	Минг сўм	87600
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	81535538
	Соф даромад	Минг сўм	3493802
	Рентабеллик	%	43

9- жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, массивда рентабеллик даражаси 43 % ни ташкил этади.

Массивда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун асосан шўрланган ерларда мелиоратив ишларни кенг кўламда олиб бориш, нотекис экин майдонларида капитал текислаш ишларини ўтказиш ва сув билан кам таъминланган майдонларга янги суғориш тармоқларини ўтказиш зарур.

Асосий ташкилий - хўжалик тадбирларидан ҳисобланган алмашлаб экишни қатъий жорий этиш натижасида унумдорлиги кам майдонларнинг унумдорлиги ошади, ерларни шўрланиши камаяди ўсимликлар касалликлари йўқотилади, натижада экинлар ҳосилдорлиги ошади. Хўжалик ҳудудида мавжуд бўлган боғ майдонларини тартибга келтириш зарур.

Массивнинг табиий - иқтисодий шароити қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун қулайдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олишга салбий таъсир омилларидан бири бу тупроқ шўрланиши ва сув эрозиясидир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун шўрланган ерларда шўр ювиш ишларини олиб бориш ва сизот сувлари яқин жойлашган ерларда зовурларни тозалаш ёки янгисини қазиш лозим.

2-БОБ. ЕР ҲИСОБНИ ЮРИТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Ер фонди – ер кадастрининг объекти сифатида.

Ўзбекистон Республикасини мустақилликка эришиши, иқтисодиётда бозор муносабатларини шакллана бориши биринчи галда ер муносабатларини тубдан қайта қуришни тақозо қилди. Бу эса ўз навбатида давлат ер кадастрини юритишни ҳам шакллантириш заруриятини туғдирди. Буларнинг барчаси 1998 йилга келиб Ўзбекистон Республикасининг янги Ер кодексини, "Давлат ер кадастри тўғрисида" ги қонун ва ердан фойдаланиш, давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бўлган қатор меъёрий ҳужжатларни қабул қилинишига асос бўлди.

Ўзбекистон Республикасида ер - давлат мулки, умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур. Ер давлат томонидан муҳофаза қилинади. Давлат ернинг асосий эгаси сифатида ер фондига эгалик қилиш ва ундан тўғри фойдаланишни ҳам ташкил этиши зарур. Шундай ташкилий тадбирлардан бири давлат ер кадастри ҳисобланади. Демак, мамлакатнинг ягона ер фонди - ер кадастрининг объекти ҳисобланади. Ер фонди ундан фойдаланишнинг асосий мақсадига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- 1) қишлоқ хўжалиги ерлари - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ёки шу мақсадларга мўлжалланган ерлар;
- 2) аҳоли пунктларининг ерлари (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари), шаҳар ва поселка ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегаралари доираларидаги ерлар;
- 3) саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар;
- 4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш рекреация мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар;
- 5) тарихий-маданий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар;

6) ўрмон фонди ерлари;

7) сув фонди ерлари;

8) захира ерлар.

Ер фонди тоифалари ичида энг асосийи қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ажратиб берилган ерлар бўлиб, шу соҳага мўлжалланган ерлар деб ҳисобланади. Бу ерлар қишлоқ хўжалиги мақсадларида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган экинзорлар, дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, берк сув хавзалари, бинолар ва иншоотлар, аҳоли яшаш жойлари билан банд бўлган ерларга ажратилади. Ҳайдаладиган ерлар, кўп йиллик дархтзорлар (Боғзор, токзор ва тутзорлар), яйловлар, пичанзорлар ва бўз ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш мақсадларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарига (фермер хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш, деҳқон хўжалигини, хусусий боғдорчилик, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун Республика фуқароларига, ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар; муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Ер турларини таснифлашда айниқса қишлоқ хўжалик ер турларини ажратиш муҳимдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда бевосита фойдаланиладиган ер турларига қишлоқ хўжалик ер турлари деб эътироф этилади. Буларга ҳайдалма ерлар, кўп йиллик мевали дарахтзорлар, яйловлар, пичанзорлар, бўз ерлар киради.

Қишлоқ хўжалигида бевосита фойдаланилмайдиган ер турлари бўйича ҳам алоҳида ҳисоб юритиб борилади. Булар ўрмонлар, ботқоқликлар, кўллар, йўл ва йўлаклар, қурилишлар, ҳовлилар, кўчалар, майдончалар билан банд ерлар, қумликлар ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардир.

2.2. Ер ҳисобини юритишнинг мавжуд услублари.

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси" нинг 15-моддасига ҳамда "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонуннинг 3 -моддасига биноан " Давлат ер кадастри Давлат кадастрларининг ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш билан бир қаторда миқдори ва сифатини ҳисобга олишни, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек ер кадастрига доир ахборотларни бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб туришни ўз ичига олади.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкаларини бериш (реализация қилиш) ва уларни қайтариб олишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда тадбиқ этилади.

Давлат ер кадастри республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат кадастри ва ер тузиш хизматлари органлари томонидан юритилади.

Ер ресурсларидан тўғри, оқилона ҳамда самарали фойдаланиш – иқтисодиёт аҳамиятига молик бўлган муаммодир. Бу эса ўз навбатида

иқтисодиётдаги мавжуд ерларни имкони борича тармоқлараро оптимал тарзда тақсимлашни, мумкин қадар камроқ харажатлар сарфлаган ҳолда ҳар гектар ер майдони ҳисобига кўпроқ миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мунтазам равишда, илғор агротехник тадбирлар асосида, ошириб боришни билдиради. Бу муаммони ҳал қилиш ер кадастрини тўлиқ ҳажмларда ўтказиш зарурлигини туғдиради.

Давлат ернинг ягона тўлақонли эгаси сифатида ер фондини бошқаришни амалга оширади. Бу эса ўз навбатида ер кадастрига давлат аҳамиятини беради. Унинг маълумотлари, биринчи навбатда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхат қилиш, ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришни янада такомиллаштириш мақсадларида фойдаланибгина қолмасдан, балки ерларга давлат эгаллиги ҳуқуқини муҳофаза қилиш мақсадларида, шунингдек, бошқа мулкдорлар ва фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳам муҳофаза қилишда фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан ҳам ер кадастри маълумотлари фақатгина иқтисодий аҳамиятга молик бўлибгина қолмасдан, ҳуқуқий аҳамиятга ҳам эгадир.

Ер кадастри маълумотлари давлат ёки бошқа жамоат мақсадлари учун ер ажратишни асослашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назардан юқорида қайд қилинган мақсадлар учун биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида яроқсиз бўлган ёки кам яроқли бўлган, шунингдек, ҳеч бир субъектга ажратиб берилмаган ерларни ажратиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли бундай масалаларни ҳал қилишда ер фондининг ҳақиқий ҳолати, тақсимооти ва амалдаги фойдаланиши тўғрисида, шунингдек қишлоқ хўжалик ерларининг маҳсулдорлиги тўғрисидаги маълумотларга зарурият туғилади. Бу маълумотлар ер ажратишнинг мақбул ечимларини асослаш учун ҳам зарурдир.

Ишлаб чиқаришнинг йил сайин ривожлана бориши билан унга кўпроқ табиий ресурслар миқдори жалб этиб борилади. Бунда ўз навбатида иқ-

тисодий, ижтимоий, технологик ва биологик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги кучаяди. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг мақбул ҳолда амалга оширилиши ҳам жамият ҳамда табиат қонунлари тўғрисида чуқур ва ҳар томонлама билимларга асосланди. У фақатгина моддий бойликлар яратибгина қолмасдан шу билан бир вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдаги мавжуд экологик барқарорликни ушлаб туриши зарур. Шу нуқтаи назардан ҳам табиий ресурсларни, жумладан ер ресурсларини муҳофаза қилиш иқтисодиёт аҳамиятига молик бўлган муаммо ҳисобланади. Шунинг учун унга давлат томонидан катта аҳамият берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ҳам атроф-муҳитни, жумладан ер ресурсларини муҳофаза қилиш, ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай тадбирларга ҳудудни оқилона ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишдан, захланишдан, қайта шўрланишдан, қакраб қолишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш, бузилган ерларни тиклаш ва уларни қайта экинзорларга айлантириш кабилар киради. Бундай долзарб муаммоларни ҳал қилиш мамлакат ер ресурсларининг сифат ҳолати тўғрисида тўлиқ, ишончли ва сифатли маълумотларга асосланиши зарур.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника ва бошқа йўналишларда текшириш ва қидирувлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкалрига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади.

Ер майдонларининг ҳисоби-ер майдонларининг миқдори ва сифати бўйича тўлиқ маълумотларни олиш, қайта ишлаш, маълум бир тизимга ва тартибга келтириш ҳамда сақлаш бўйича мажмуали тадбир ҳисобланади. Ерларни миқдор жиҳатидан ҳисоб-китоб қилиш уларни маълум маъмурий

худудий бирликларга, ер тоифаларига, ердан фойдаланувчиларга ва ер турлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Ерларни сифат жиҳатидан ҳисоб қилишнинг вазифаси-тупроқ қатлами ҳамда ердан фойдаланувчилар нуқтаи назаридан ер турларини табиий, мелиоратив ва хўжалик ҳолатига ҳар томонлама тавсиф беришдан иборатдир.

Ер ҳисоби ишлари халқ хўжалигини ривожлантириш режасини тузишда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва унга бўлган эҳтиёжни аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалик ерларини ҳосилдорлигини ошириш, майдон бирлигига нисбатан камроқ харажат талаб қилиш асосида етиштириладиган маҳсулотни кўпайтириш, иқтисодий жиҳатдан натижали фойда келтирадиган, илмий асосланган деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришда экин майдонларини энг мақбул тузилиши белгиланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мумкин бўлган ҳамма ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланишга топширилиши керак. Аммо ҳар бир ер участкаси майдонининг миқдорини ва сифатини билмасдан туриб агротехника ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини белгилаб бўлмайди.

Ер ҳисоби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Биринчи навбатда ер ҳисобида юқори аниқликда бўлиши зарур. Бунинг учун ер ҳисобини ер тоифаларига, ширкат, фермер хўжаликларига, жумладан, ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқа ер турларига бўлинган ҳолда олиб бориш талаб қилинади.

Маълумки, республикаимиз вилоятларининг табиий ва иқтисодий шароитларини хилма-хиллигини ҳисобга олиниб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишда ер ҳисобига қуйидаги талаблар қўйилади:

-хўжаликнинг йирик шаҳар, саноат маркази ва қайта ишлаш корхоналарига нисбатан жойлашиши;

-қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер миқдорининг сифати ва табиий шароити;

-чорвачиликда иқтисодий фойда келтирадиган у ёки бу экин турларини танлаш;

-қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш.

Булардан ташқари ҳар қайси туман ва вилоятда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ялпи хажми ҳисобланиб, истеъмол молларининг миқдори аниқланади. Хўжаликлараро ва ички ер тузиш ишларини, давлат хўжаликларининг марказларини белгилашда, ширкат хўжаликларидаги ишлаб чиқариш бўлинмаларини аниқлашда ер ҳисоби зиммасига маълум даражада маъсулият юклатилади.

Ерни давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб берилишида хўжалик ерларининг миқдори, сифати, ер турлари ва улардан фойдаланиш даражаси, ўзлаштириладиган янги ер майдонларининг ҳисоб-китоблари ер ҳисобига асосланади. Булардан ташқари, ер ҳисоби ҳамда қиймати ҳақидаги маълумотлар ердан фойдаланганлик учун тўланадиган солиққа асос бўлади.

Ер ҳисоби давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда хўжалик ҳисобининг бир тури ҳисобланади. Уни олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар ер майдонларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусиятлари билан боғлиқдир. Халқ хўжалиги тармоқларида ер белгиланган мақсадларда фойдаланилади. Шундай экан, ер ҳисобини доимий равишда юритиб ишлари бориш амалга ошириб борилади. Ер уй-жой биноларини, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги корхоналари, маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш масканлари ва бошқаларни жойлашиш ўрни сифатида ҳисобга олинади.

Ер ҳисобида ерларнинг миқдор жиҳатидан ҳисобини юритиш ҳамда сифат тавсифини бериш учун одатда натурал ўлчовлар қўлланилади. Ер ҳисоби халқ хўжалигини режалаштириш, мамлакат ягона ер фондидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ер майдонларининг миқдори, сифати ва хўжалик жиҳатдан

фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда бир тизимга келтирган ҳолда сақлашга йўналтирилган. У муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Ундаги мавжуд маълумотларнинг мазмуни энг аввало қишлоқ хўжалиги зарурияти бўйича аниқланади. Негаки ер халқ хўжалигининг алоҳида тармоқларида турли-туман мақсадларда фойдаланилар экан, шу сабабли ҳам ер ҳисобига турлича аниқлик ва талаблар қўйилади.

Ер ҳисобини ўтказишда кам харажат талаб қиладиган маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ҳамда техник воситалардан фойдаланиш зарур. Замонавий компьютерларни ва тасвирга олиш ҳамда кузатувнинг такомиллашган усуллари қўллаш мамлакат ягона ер фонди ҳисобини тўғри, ўз вақтида юқори сифатда амалга оширишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида давлат ер кадастрини муваффақиятли юритишга замин тайёрлайди.

2.3. Ер ҳисоби маълумотларидан халқ хўжалиги тармоқларида фойдаланиш тартиби.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада жадаллаштириш ва ривожлантириш бўйича ҳукуматимиз олиб бораётган аграр сиёсатни амалга оширишда ер кадастри тизимига катта вазифалар юклатилган. Жумладан, "Ер кодекси", "Солиқ кодекси", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар, ер муносабатларини тартибга солишга оид Президент фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ қилиш, қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳатларни амалга ошириш биринчи навбатда ер кадастри маълумотларига асосланади.

Маълумки, республикамиз вилоятлари, туман (шаҳар)лари ўзларининг жойлашуви бўйича турли минтақаларга, иқлим, рельеф ва тупроқ шароитларига эгадир. Бундай ҳолда ушбу вилоятлар, туманлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри, илмий асосланган ҳолда белгилаш, асосий экинлар ҳосилдорликларини келгусига тўғри режалаштириш ҳамда

шу асосда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ер кадастри маълумотлари асосида олиб борилади.

Ер кадастри материаллари ердан фойдаланганлик учун ҳақ ундиришда бирламчи асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Ер учун ҳақ ҳар йил тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкаларининг сифатига, жойлашган ўрнига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади. Ер участкалари ижарага берилган тақдирда ер учун тўлов ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиғи ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак. Ердан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларида фойдаланилган тақдирда ижара ҳақи ер солиғи ставкасининг бир баравари миқдорида бўлади.

Ер кадастри маълумотлари ерлар ҳолатини ва улардан фойдаланишни яхшилаш бўйича тадбирларни режалаштириш учун ҳам ниҳоятда зарур. Давлат томонидан ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорларига ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона ва самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш, ўзининг хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, қайта шўрланиш, ботқоқланиш ва ифлосланишдан асраш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқиш каби мажбуриятлар юклаган. Буларни амалга ошириш учун албатта ер майдонларининг сифат жиҳатидан олиб бориладиган ҳисоб-китоб маълумотлари зарур бўлади.

Маълумки, мелиорация, жумладан қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация ва сувдан фойдаланиш тизимига асосланган сунъий суғориш республикамиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бирламчи асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва

суғориш учун яроқли бўлган ва суғориш манбалари билан боғланган, доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган майдонлар суғориладиган ерлар жумласига киради. Кадастр баҳосига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фойиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради. Бундай суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмаслиги бўйича тадбирлар белгилайди. Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, бундай ҳолларда ҳам ер кадастри материаллари, жумладан ер ҳисоби ва ерларни баҳолаш маълумотлари катта аҳамият касб қилади.

Ер кадастри маълумотларини ҳозирги шароитда айниқса ер тузиш ишларини, жумладан хўжаликлараро ва ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий жиҳатдан асослашда ўта зарурдир. Қайд қилиш зарурки, кейинги йилларда республикамиздаги ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари мулкдорларининг турли шакллари вужудга келмоқда. Бу эса юқорида қайд қилинган субъектларга ер ажратиш уларнинг майдонларини ташкил этиш, янга шаклдаги алмашлаб экишларни жорий қилишни тақазо қилади. Бу ҳол эса ўз навбатида ер кадастри материалларига асосланади.

Ер кадастри қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини, энг аввало, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалик ишларининг ўлчамлари ва ҳолатини ҳисоб-китоб қилибгина қолмасдан, балки улар маҳсулдорлигини сиёсий баҳолаш, биринчи навбатта, алоҳида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш самарадорлиги нуқтаи назардан баҳолаш зарурияти туғилади.

Эътироф этиш жоизки, иқтисодий муаммолар ичида Ўзбекистон Республикаси учун мавжуд фойдаланилаётган ерлар самарадорлигини ошириш, ерларни муҳофаза қилиш, тупроқлар унумдорликларини тиклаш ва ошириб бориш кабилар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу масалаларни

хар томонлама тўғри ҳал қилиш иқтисодиёт тармоқларида ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни оқилона ечишда ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш сўзсиз ижобий самара беради. Жумладан, ер баҳолаш материаллари қуйидаги қатор масалаларни ижобий ҳал қилишда фойдаланилади: қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри жойлаштириш; қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштириш; қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятларини таҳлил қилиш асосида ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаларини аниқлаш; ер солиғи ставкаларини белгилаш; ижара ҳақи миқдорларини аниқлаш; қишлоқ хўжалик ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишда қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарарни ўрнини қоплаш миқдорларини ҳисоблаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳоларини белгилаш; хўжаликлараро ва хўжаликда ер тузиш лойиҳаларини асослаш ва бошқалар.

2.4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт-фаолияти ва меҳнатнинг шакллари турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бошқа ҳаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни ўз ичига олади. Фаолият жараёнининг моделини умумий ҳолда иккита элементдан ташкил топган деб қараш мумкин, яъни бир-бири билан тўғри ва қайтма алоқада бўладиган инсон ва муҳит элементларидир.

Кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳодиса, таъсир ва бошқа жараёнлар хавфлар деб аталади. Хавфлар яширин ва реал турларга ажратилади. Хавфлар учун қуйидаги белгилар характерлидир; ҳаётга таҳлика, соғлиққа зарар, инсон аъзолари ишлашининг қийинлашишидир.

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳар қандай фаолият потенциал хавфлидир. Бу тасдиқланиш аксиомал характерга эгадир ва бир вақтнинг ўзида тан олинадики, хавф даражасини бошқарса бўлади, яъни камайтирса бўлади. Хавфсизлик-бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимолликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир. Хавфсизлик-бу инсонлар

олдига қўйилган мақсаддир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усуллари дир.

Кимёвий моддаларнинг инсонга таъсири улар билан бевосита (аралашмалар тайёрланганда, уруғларга, тупроққа ўсимликларга ишлов беришда, ишлов берган участкаларда ишлаганда) ва билвосита-ўсимлик, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали, кимёвий препаратлар билан ишлов берилган далалардан олинган мева-сабзавотлар, шунингдек ҳайвонот маҳсулотлари орқали (гўшт, творог, сут, тухум ва бошқ.) ва ўсимлик маҳсулотлари ем сифатида ишлатилганда қайсилари таркибида нитрат ва пестицидларнинг миқдори меъёрий кўрсаткич даражасидан юқори бўлганда сезилади. Пестицидлар инсон учун минерал ўғитларга нисбатан хавфлидир.

Ишлатилишига кўра пестицидлар инсектицидлар (курт-қумурсқага қарши курашиш учун), акарицидлар (канага), роденцидлар (зарарли кемирувчиларга), фунгицидлар (замбуруғларга), бактерицидлар (бактериялар), гербицидлар (бегона ўтлар) ва бошқаларга бўлинади.

Гигиеник хусусиятларига кўра пестицидларнинг таснифи қуйидагича:

- Тажрибадаги ҳайвонларнинг ошқозонига (жуда таъсирчан, ўта заҳарли, ўрта заҳарли, кам заҳарли) юбориш вақтидаги заҳарланишига қараб;
- Тери орқали заҳарланишига қараб (кескин, ўрта ва кучсиз ифодаланган);
- Учувчанлигига кўра (ўта хавфли, хавфли ва кам хавфли);
- Заҳарли моддаларнинг организмга тўпланиб кучли таъсир қилишига кўра (ўрта, юқори, сезиларли, ўртмиёна, кам сезиларли);
- Ўртамиёна барқарор – 1 ойдан 6 ойгача ва кам барқарор – 1 ойгача

Пестицидлар ва минерал ўғитлар билан заҳарланишни олдини олишдаги (профилактика қилиш) асосий усуллари: улар билан ишлаганда меъёр, меҳнат муҳофазаси бўйича қоида ва қўлланмаларга риоя қилиш. Ишчилар шахсий ва коллектив ҳимояланиш воситаларини ишлатиши, агротехникага, сув ҳавзаларидан керакли узоқликда олиб бориш, рухсат этилган шамол тезлигида, ҳосилни териб олишгача экинларга берилган

охирги кимёвий ишлов муддатини сақлаш; ўрганилган ва фақат рухсат этилган препаратлардан фойдаланиш. Грануллиланган пестицидлардан фойдаланиш меҳнат шароитларини яхшилашда самарали натижаларни бермоқда.

Меҳнат муҳофазаси чора-тадбирларини режалаштириш. Меҳнат муҳофазаси бўйича чора тадбирларни режалаштиришдан мақсад ишловчилар учун иш шароитларини меҳнат кодексидаги қоида, меъёр, стандартлар, директив органларнинг қарорларига асосланиб оқилона йўлларини аниқлаш ва амалга оширишдир. Режалаштиришни Давлат назорати ва меҳнат бўйича техник инспекция органлари фармойишларини, ўтган йиллар ичида содир бўлган жароҳатларнинг сабабларини ва таҳлил натижаларини, меҳнат хавфсизлигига ажратилган маблағни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар бўйича ҳисоботларни, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганлар тўғрисидаги таҳлил натижаларини, шароитларни яхшилаш комплекс режаларининг бажарилиши бўйича ҳисоботларни ва меҳнат хавфсизлиги ва санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Режалаштиришда қуйидаги режали кўрсаткичларнинг ютуқларига: зарарли меҳнат шароитларида ва оғир жисмоний меҳнат шароитида ишловчиларни ва объектлар сонини қисқартирилишига эътибор берилади. Режалар даврий, тезкор, кундалик ва перспектив бўлади. Шу режаларни ишлаб чиқиш хўжалик раҳбарлари зиммасига юкланади. Режалаштирувчи асосий ҳужжатларга меҳнат шароитларини, меҳнат хавфсизлиги ва санитария-соғломлаштириш чорра-тадбирларининг беш йиллик комплекс режалари киради.

Биринчи навбатдаги ёки биринчи даражали тадбирларга қуйидагилар: хавfli ва зарарли ускуна, жараёнларни ўзгартириш ва такомиллаштириш ҳамда уларга масофадан туриб автоматик бошқаришни тадбиқ этиш, ишчиларни қўл меҳнатида халос қилиш киради. Агар қилинаётган хавфсизлик чоралари юқоридаги тадбирларни таъминламаса, у ҳолда меҳнат хавфсизлиги режасига иккинчи даражали тадбирлар киритилиши лозим,

техник қурилмалар ва жамоатчилик билан ҳимояланишни қўллашга қаратилган автоматик назорат ва сигнализация тизимини қўллаш, дам олиш, меҳнат қилиш тартибини ишлаб чиқаришга оқиолана тадбиқ этиш ва гиподинамияни, оғир, ҳамиша бир хил меҳнатни йўқотиш, ташқи муҳит омилларини меъёردа сақлаб туришини таъминловчи қурилма ва тизимларни қўллаш; хавфсиз меҳнатни тарғибот этиш ва ўқитишни такомиллаштириш, зарарли ва хавfli маҳсулотларнинг чиқиндиларини ўз вақтида зарарсизлантириш ва чиқариб ташлаш, ускуналарни хавфсиз жойлаштириш.

Агар талаб қилинадиган меҳнат шароитлари биринчи ва иккинчи даражали талаблар билан таъминланмаса, у ҳолда вақтинчалик меҳнат хавфсизлиги режасига учинчи даражали тадбирлар киритилади. Уларга қуйидагилар киради: хавfli ва авария ҳолатлари содир бўлганда ишчилар томонидан режалаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлигини таъминлаш бўйича тадбирлар киради, хавфни камайтириш ёки йўқотиш бўйича хизматчиларни санитария-маиший меъёрлар билан таъминлаш, яъни уларни махсус кийимлар ва бошқа шахсий ҳимояланиш воситаларидан фойдаланиш.

III-BOB. ГУВАЛАК МАССИВИДА ЕР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

3.1. Массив ҳудудидаги ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш.

Маълумки, ер участкаларига бўлган турли-туман ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек ер ресурсларини самарали ва асосланган ҳисобини юритиш, ер участкалари билан турли ҳаракатларни амалга ошириш, солиққа тортиш ва бошқа мақсадлар учун амалга оширилади.

Ер участкаларига ҳуқуқлар вужудга келадиган, ўзгарадиган ёки тўхтатиладиган, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланадиган барча юридик ва жисмоний шахслар рўйхатга олиш субъектлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос ҳолда расмийлаштирилган, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқлайдиган, ўзгартирадиган, чеклайдиган ёки умуман тўхтатиладиган юридик ҳужжатлар рўйхат қилиш объектларидир.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш улар жойлашган ҳудуддаги ҳудудий-регионал органлар (туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати) томонидан амалга оширилади.

Ер участкасига юридик ёки жисмоний шахснинг ҳуқуқини бошланғич тарзда белгилашда қуйидаги ҳуқуқ турлари вужудга келади:

- умрбод меросий эгалик ҳуқуқи;
- доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи;
- мулк ҳуқуқи;
- ижара ҳуқуқи.
- Ҳуқуқни бир субъектдан иккинчисига ўтиши, ер участкасига бўлган ҳуқуқни битта юридик ёки жисмоний шахсдан бошқасига ўтиши қуйидаги ҳолатларда содир бўлади:

- ер участкасини олди-сотди, алмашиш, совға қилиш, мерос, рента;
- бино ва иншоотларни олди-сотди, алмашиш, совға қилиш, мерос, рентаси, уй-жойни умрбод тутиб туриш учун ажратиб олиш.

Юридик ва жисмоний шахсларни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши ва ҳуқуқлар тўхтатилиш мумкин:

- ўз ҳоҳиши бўйича воз кечганда;
- ер участкасига бўлган фойдаланиш ёки ижара муддати тугаганда;
- юридик ёки жисмоний шахсларнинг фаолияти тўхтаганида;
- ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;
- ер участкаси ер қонунларида назарда тутилмаган тартибда олиб қўйилганда;
- Давлат ёки жамоатчилик эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда (сотиб олинганда).

Ер участкасига ёки бино, иншоотга кадастр рақами шакллантирилгандан сўнг уларни рўйхатга олиш амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш қуйидагича амалга оширилди:

- ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуққа оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкаларига мулк ҳуқуқи юзага келиши учун асос бўладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳадя этилганлиги, алмаштирилганлиги тўғрисидаги битимлар ва бошқа ҳужжатлар асосида рўйхатга олинди;
- ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли органларнинг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилди;
- ерни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатдан ўтказилди;
- сервитутлар ва мулк ҳуқуқининг бошқа чекланишлари ер участкаларидан фойдаланиш шартномалари, суд қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади;

- ер участкасидан ўзгаларнинг ҳам қисман фойдаланиши мумкинлиги давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилди;
- бино, иморатга ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу мулкдорларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, ҳадыя этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар, мулкдорларнинг ёки улар томонидан вакил қилинган органлар ва шахсларнинг қарорлари, шунингдек, бинога, иморатга, иншоотга мулк ҳуқуқи ундан бошқага ўтаётган шахснинг ер участкасига тегишли ҳужжатлари (тегишли ҳокимият органларининг қарори билан расмийлаштирилганидан сўнг) асосида рўйхатдан ўтказилди.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш қуйидаги тартибда амалга оширилди:

- рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш;
- ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва материалларни текшириб чиқиш;
- аризаларни қабул қилиш реестрида аризани рўйхатга олиш;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани субъектга бериш.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишда юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларига қуйдагилар илова қилинади:

- ҳуқуқни юзага келиши, бошқаларга ўтиши, чегараланиши ёки тўхтатилишини тасдиқловчи ҳужжатлар (илова);
- ер участкасини баҳолаш материаллари (тупроқ бонитировкаси, қиймат баҳоси ва бошқалар);
- белгиланган тартибда тасдиқланган ер участкасининг кадастр харитаси;
- хизмат ҳақини тўлаганлиги тўғрисидаги квитанция.

Аризалар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар ҳисобини юритиш мақсадида рўйхатга олиш органлари томонидан аризалар реестри юритилади. Ушбу реестр қуйидаги жадвал кўринишида уз аксини топган ва унга аризалар қайд этилди. (10-жадвал)

10 -жадвал

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишда
аризалар ва ҳужжатларни қабул қилиш реестри

№	Аризанинг номи	Ариза ва ҳужжатлар қабул қилинган сана	Ер участкасининг жойлашган манзили	Рўйхатга олиш предмети ва ҳужжатлар номи	Хизмат ҳақини тўланган -лиги ҳақида белги	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7
1.	<i>Болтабек</i>	<i>09.11.2014 й</i>	<i>Қашиқадарё вилояти Косон тумани Гувалак массиви</i>	<i>Туман ҳокими қарори №241 01.12.2014й. Ижара шартномаси №196 21.11.2014 й</i>	<i>Тўланди</i>	
2.	<i>Мадад</i>	<i>11.11.2014 й</i>	<i>Қашиқадарё вилояти Косон тумани Гувалак массиви</i>	<i>Туман ҳокими қарори №294.12.2012 й. Ижара шартномаси №584 23.11.2014 й</i>	<i>Тўланди</i>	
3.	<i>Омонтош</i>	<i>14.11.2014 й</i>	<i>Қашиқадарё вилояти Косон</i>	<i>Туман ҳокими қарори №263</i>	<i>Тўланди</i>	


			<i>тумани Гувалак массиви</i>	<i>01.12.2012й. Ижара шартномаси №585 26.11.2014 й</i>		
--	--	--	-----------------------------------	--	--	--

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш органлари аризаларни кўриб чиқишга қабул қилган кунидан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади. Рўйхатга олиш даврида махсус давлат регистри юритилади. Давлат регистри қуйидаги 18- жадвалда ўз аксини топган бўлиб, унда массивдаги фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари рўйхатдан ўтказилди.

Давлат регистрида ер участкасига бўлган ҳуқуқ рўйхатга олинганидан сўнг рўйхатга олиш органи томонидан махсус гувоҳнома тузилади (илова) ва субъектга топширилади.

Юқорида кўрсатилган тартибда ҳар бир фермер хўжалиги бўйича ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш, зарур ҳужжатларни тўлдириш ҳамда гувоҳномани тайёрлаш ишлари бажарилди.

Қуйидаги регистрда мисол тариқасида 3 та фермер хўжалиги давлат рўйхатига олинди ва белгиланган тартибда расмийлаштирилди.



2-расм

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ахборот тизими комплексида фойдаланиб “БИР ОЙНА” тамойили бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.

Юридик ва жисмоний шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ўзларининг танловларига кўра телекоммуникация каналлари бўйича электрон ҳужжат кўринишида мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Ариза электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда расмийлаштирилади ва зарурий ҳужжатларни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали ва ахборот ресурси орқали электрон шаклда жўнатилади. Ариза ва кадастр йиғмажилдларини электрон тарзда қабул қилиш ва уларга ишлов бериш тизими ахборот тизимлари комплекси, шунингдек алоқа каналлари ва ахборотни узатиш ва қабул қилишнинг ахборот хавфсизлиги таъминланган дастурий-аппарат воситалари, олинган ахборотга ишлов бериш, уни сақлашнинг дастурий-аппарат воситалари базасида юритилади.

Юридик ва жисмоний шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ишларни амалга оширадilar:

кадастр йиғмажилди маълумотларини ўз ичига олган, электрон рақамли имзо билан имзоланган электрон ҳужжатни шакллантириш ва имзолаш;

юридик ва жисмоний шахс ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан имзоланган электрон ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга жўнатиш.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган электрон ҳужжат олинган куни аризани кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унинг билан битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалар реестрига киритади.

Рўйхатдан ўтказувчи ариза рўйхатга олингандан кейин икки кун мобайнида қуйидаги ишларни амалга оширади:

юридик ва жисмоний шахсга электрон рақамли имзо қўлланиб, жўнатилган ҳужжатлар олинганлигини тасдиқланганлиги тўғрисида хабарнома юбориш;

олинган электрон ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг электрон архивида сақлаш;

юридик ва жисмоний шахс ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини текшириш;

олинган электрон ҳужжатларнинг талаб даражасида эканлигини текшириш.

Рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, ариза иловалари билан бирга ариза рўйхатга олинган кундан бошлаб уч кун мобайнида давлат рўйхатидан ўтказувчи орган раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан электрон кўринишдаги хат билан юридик ва жисмоний шахсга қайтарилади.

Ҳужжатлар қайтарилганлиги ҳақида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унинг билан битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалар реестрида белги қўйилади. Хатда ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишнинг аниқ сабаблари ва тақдим этилган ҳужжатларда топилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар кўрсатилади.

Юридик ва жисмоний шахслар камчиликлар тузатилгандан сўнг, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилишлари мумкин.

Кўрсатилган камчиликларни тузатиб ариза такроран жўнатилганда, рўйхатдан ўтказувчи томонидан икки кун мобайнида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилади.

3.2. Рўйхатлашда электрон дастур қўллаш

Дастурий воситанинг ҳар бир дастурини ишлаб чиқишга киришиллар экан, бу дастур одатда катта тизим эканини назарда тутиш керак. Шунинг учун биз уни соддалаштириш чораларини кўришимиз лозим. Бунинг учун ушбу дастур қисмма-қисм ишлаб чиқилади ва бу қисмлар дастурий модуллар деб аталади.

Дастурларни ишлаб чиқишдаги бу усулнинг ўзи эса модулли дастурлаш деб аталади.

Дастурий модул – жараён тавсифининг бирон қисми бўлиб, у жараён тавсифларида қўллаш учун яроқли бўлган мустақил дастурий маҳсулот сифатида шакллантирилади. Бу дегани ҳар бир дастурий модул дастурнинг бошқа модулларидан алоҳида компиляция қилинади ва соزلанадики, бунинг натижасида у дастурнинг бошқа модулларидан жисмонан ажратилган бўлади.

Ишлаб чиқилган ҳар бир дастурий модул турли дастурлар таркибига киритилиши мумкин. Бунинг учун ушбу модул бўйича ҳужжатларда эълон қилинган қўлланиш шартлари бажарилган бўлиши керак. Шундай қилиб, дастурий модул дастурлар мураккаблигига қарши кураш воситаси сифатида

ҳам, дастурлашда дубллаштиришга қарши кураш воситаси сифатида ҳам олиб қаралиши мумкин.

Ҳар қандай дастурий модул ҳам дастурни соддалаштиришга олиб келавермайди. Шу нуқтаи назардан яхши модулни ажратиб олиш жиддий масала ҳисобланади. Ажратиб олинган модулнинг мувофиқлигини баҳолаш учун турли мезонлардан фойдаланилади.

Масалан, Хольт қуйидаги иккита мезонни таклиф қилади (15, 69б.):

- яхши модуль ташқи томондан, ички томонга нисбатан, соддароқ бўлади;
- яхши модулдан фойдаланиш уни яратишдан кўра осонроқ.
- Майерс эса дастурий модулнинг мувофиқлигини баҳолаш учун унинг тузилишидаги янада аниқроқ қуйидаги тавсифлардан фойдаланишни таклиф қилади:



3-расм

Модул ўлчами унинг таркибидаги операторлар ёки сатрлар сони билан ўлчанади. Модул ўта катта ёки ўта кичик бўлмаслиги лозим. Кичкина модуллар дастурий модул тузилмасининг қўполлашиб кетишига олиб келади ҳамда уларни расмийлаштириш билан боғлиқ сарф-ҳаражатларни копланмаслиги мумкин. Катта модуллар эса уларни ўрганиш ва ўзгартиришда

ноқулайликлар туғдиради, улар дастурни созлаш пайтида уни қайта трансляция қилишнинг жамлама вақтини анча ошириб юбориши мумкин. Одатда ўлчами бир неча 10-100 операторгача бўлган дастурий модуллар тавсия қилинади.

Модул мустаҳкамлиги бу унинг ички алоқаларининг меъёрларидир. Модул мустаҳкамлиги қанча юқори бўлса, у дастурнинг ўзига нисбатан ташқи қисмидан шу даражада кўпроқ алоқаларни беркитиши ҳамда, бунинг натижаси ўлароқ, дастурнинг соддалашувига шу даражада кўпроқ ҳисса қўшиши мумкин.


Модул бирикуви бу модулнинг маълумотлар бўйича бошқа модулга қанчалик тобеълигини кўрсатувчи меъёрдир. Модулнинг бошқа бир модул билан бирикуви қанчалик заиф бўлса, унинг бошқа модуллардан мустақиллиги шунчалик кучли бўлади.

Модулнинг мустақиллиги бу унинг ўзига аввалги мурожаатлардан мустақилигини билдиради. Агар модулга мурожаат этиш натижаси фақатгина шу модул параметрларига боғлиқ бўлса (яъни унга бўлган аввалги мурожаатларга боғлиқ бўлмаса), бундай модул мустақил ҳисобланади.

Амалиёт кўрсатдики, модуллар мустақиллиги даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик равишда:

- алоҳида модулда ва бутун дастурда тартибни билиш ҳамда мувофиқ равишда уни тестлаш, созлаш ва модификациялаш енгил бўлади;
- эски хатоларни тузатишда ёки дастурларга ўзгаришлар киритишда янги хатолар пайдо бўлишининг эҳтимоли камаяди;
- дастурчилар гуруҳи томонидан дастурий таъминот ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш осонлашади ва уни кузатиш енгиллашади.

Шундай қилиб, модуллар қарамлигини камайтириш лойиҳа техномантиқийлигини яхшилади. Модуллар мустақиллиги даражасини икки мезон бўйича – туташув ва алоқадорлик бўйича баҳоланади.



4-расм. Фермер хўжаликларини рўйхатлаш дастурнинг дастлабки дарчаси

5-расм. Маълумотларни киритиш дарчаси

Рўйхатга олиш буйича хужжатлар ва маълумотлар:

1. Ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи Давлат далолатномаси.
2. Ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат далолатномаси.

3. Ерга умрбод мерослик ҳуқуқини берувчи Давлат далолатномаси.
4. Ер участкасидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳақидаги шартнома.
5. Ер участкасига ижара шартномаси.
6. Мерос ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома.
7. Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг, уларнинг ҳуқуқлари доирасидан келиб чиққан ҳолда қабул қилган (қарорлари) фармойишлари.
8. Суд қарорлари.
9. Ер участкасини ким ошди савдосида ёки танлов асосида олганлиги ҳақидаги гувоҳномаси.
10. Ер участкасига ундаги савдо ва маиший хизмат объектлари билан биргаликда приватизация қилингандаги ер участкаларига бўлган ҳуқуқга давлат ордери.
11. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган дипломатик ваколатхона ва халқаро уюшмаларнинг турган ер участкалари иморатларининг турган ер участкалари билан иморатларига бўлган мулкларининг олганлиги, сотганлиги (гувоҳнома) ҳақидаги шартнома, ҳамда ўша уюшмаларнинг иморатлар қуришлари учун ер участкалари.
12. Хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатлари асосида, яшаш жойларини ер участкалари билан олди – сотди (мулк ҳуқуқи олганлиги) шартномаси.
13. Олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш иморат ва иншоотлар ренталари, турар уйларни умрбод сақлаш мақсадида ўраб олиш шартномалари.
14. Ер участкасини гаровга (ипотека) қўйиш ёки унга ҳуқуқи ҳақидаги шартнома.
15. Ерларга эгалик ва фойдаланш ҳуқуқларини тугатилиши ҳақидаги маҳаллий ҳокимият органларининг фармойишлари (қарорлари).

16. Ерни (ўрнатилган тартиб асосида) ажратиш ва тартиб олиш ҳақидаги материаллар.

17. Ер кадастрининг ўрнатилган қоида асосида материаллари.

18. Ер участкасининг ўрнатилган қоидаги асосан кадастр хизмати асосида тасдиқлаган

Ер участкаларини рўйхатлаш солиқ тизимини тартибга солиш, ердан фойдаланишни назорат қилиш ишларини самарадорлигини ошириш иш натижасида аниқланади.

3.3. Массивдаги ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олишда замонавий технологияларни қўллаш


Массивдаги ердан фойдаланувчиларни давлат рўйхатидан ўтказишда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси тасарруфидаги тегишли корхона ва ташкилотлар томонидан замонавий техника ва технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ердан фойдаланувчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш уч босқичда амалга ошириш талаб этилади.

1. **GPS** ёрдамида ердан фойдаланувчининг ер майдонини ҳисобини юритиш.
2. **GPS** приёмникда ҳисобланган қийматларни **ArcGIS** дастури ёрдамида маълумотлар базасини шакиллантириш ва юритиш.
3. Ердан фойдаланувчиларни давлат рўйхатидан ўтказишда **Кўчмасмулк-3** дастурини қўллаш.

Юқорида келтирилган босқичлардан келиб чиққан ҳолда кўйида ердан фойдаланувчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича батафсил ёритишга оид тавсиялар ва таклифлар.

1-босқич



б-рasm


Қишлоқ хўжалиги объектларини исталган масштабдаги рақамли картасини GPS навигаторига юклаш учун энг аввало рақамли картанинг мавзули қатламларини *.shp форматига келтирилиб олинади.

Навигаторнинг Mobile Mapper Office дастури очилади ва “Фоновые карты” тугмачаси босилади. “Фоновые карты” номли дарча очилади. Мазкур дарчадан “Редактор карт...” тугмачаси босилади.

Ҳосил бўлган навбатдаги дарчамиздан “Добавит данный” тугмачаси босилади.

Натижада “Добавить слой” ёрдамчи дарчаси очилади ва *.shp форматига мавжуд қатламлар белгилаб олиниб, “ОК” тугмачаси босилади.

Шундан сўнг қатламларга масштаб, шартли белгилар ва ёзув (надпис) киритиш жараёнини амалга оширилади.




7-рasm

Исталган қатлам устига сичқончанинг чап тугмаси 2 марта босилгач “параметры слоя” номи билан ёрдамчи дарча очилади.

Ёрдамчи дарча бандларидан талабга мувофиқ шартли белгилар тури, ҳажми, номи, ранги, максимал масштаби ва классификацияси ўзгартирилиб “ОК” тугмачаси босилади.

Ҳар-бир қатлам билан шу кетма-кетлик такрорланиб, тузатмалар киритилгач, юқоридаги “сохранить проект” номли тугмачаси босилади. Лойиҳага тегишли ном берилади ва яна бир бор “ОК” тугмачаси босилади.




8-рasm

Сўнгра “Создать карту” тугмачаси босилиб, яратилмокчи бўлган карта ишчи хотирага олинади ва “ОК” тугмачаси босилади.

Кейинги навбатда GPS навигатори дастури юкланади ва съёмка тури Mobile Mapper устунига кирилади сўнгра USB порт компьютерга уланади.

Компьютерда Mobile Mapper Office дастурига кирилиб “Фоновую карту” қатори танланади.

Ишчи ойнага “Параметры GPS” номи остида дарча хосил бўлади ва у автоматик тарзда навигатор билан боғлангунча кутиб турилади.



9-расм

Ишчи ойнага “Параметры GPS” номи остида дарча ҳосил бўлади ва у автоматик тарзда навигатор билан боғлангунча кутиб турилади.

Навигаторни топгач тугмачаси босилади ва навигаторга фон қуринишида катламлар бирин-кетин ўта бошлайди.

Иш ниҳоясида навигаторнинг “Меню” тугмачаси босилиб, меню бандидаги “Настройка” қаторига кирилади.

Натижада “Настройка” қаторининг ёрдамчи функциялари ҳосил бўлади, функциялар қаторидан “Выбрать карту” номли банди орқали “Подробная карта” бўшлиғидаги яратилган карта танланади ва “ОК” тугмачаси босилади.

Ишчи ойнага юкланган *.shp форматидаги электрон рақамли карта худудий координаталарга боғланган ҳолда намоён бўлади.

Юқорида келтирилган кетма-кетлик натижасида қурилмага рақамли электрон карта юкланади ва бу билан жойларда навигацион съёмка жараёнини кузатган ҳолда қийматларни аниқлаш имкониятига эга бўламиз.

Агар жойларда (далада) ер тузиш ишларини амалга ошириб боришда навигацион съёмка тури орқали амалга оширилса, жойдаги ҳолат бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлган ҳолда янги замонавий услуб орқали иш унумини ва меҳнат сарфини яхшилаган бўлар эдик.

экспорт қилинади. Мазкур жараёни ГАТ оиласига мансуб ArcGIS дастурий таъминоти мисолида кўриб чиқамиз.

ArcGIS дастурининг Arc Map ва ArcCatalog ёрдамчи ойналари ёрдамида амалга оширилади;


Навигатор қурилмасидан олинган қийматларга тузатмалар киритилади;

ArcGIS дастуридаги мавжуд яратилиб шакиллантирилаётган электрон рақамли карталар актив ҳолга келтирилади;

Навигатор қурилмаси ёрдамида олинган қийматлар маълумотлар базасидаги электрон рақамли карталар билан устма-уст ҳолга келтирилади;

Координатага асосан мазкур мавзули қатламлар мавжуд маълумотлар базасининг координаталар тизимини қабул қилган ҳолда мужассамлаштирилади;

Юқоридаги кетма-кетликни амалга ошириш орқали навигатор қурилмаси ёрдамида жойларда съёмка қилинган ва такомиллаштирилган қийматларни геоахборот тизими маълумотлар базасида қайта ишлаш ва умумлаштириш имконига эга бўлинади.



12-расм

2-босқич


“Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институтининг худудий бўлинма ва филиаллари томонидан кишлоқ хўжалигининг 1:10 000 масштабдаги электрон рақамли картасини

республика миқёсида яратилиб чиқилди. Бугунги кунда мазкур электрон рақамли карталар ёрдамида барча ердан фойдаланувчиларнинг ҳисоби ва назорати юритилмоқда. Электрон рақамли карталарнинг географик ахборот маълумотлар базасини яратиш кўйидаги жараён орқали амалга оширилади.[1]

Электрон рақамли карталарнинг маълумотлар базасини яратиш учун *ESRI* компаниясининг *ArcGis* дастури ёрдамида амалга оширилади.

ArcGis дастурида маълумотлар базасини яратиш учун мазкур дастурнинг *ArcCatalog* таъминотидан фойдаланилади(1-расм). *ArcCatalog* таъминотининг ишчи ойнаси очилгач *Catalog* дарахти ёрдамида керакли бўлган хотира диски танланиб олинади.

Кузатув ойнаси устига сичқончанинг ўнг тугмаси босилади ва натижада кузатув ойнасининг ёрдамчи бандлари ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган ёрдамчи банддан янги қаторидаги *Personal Geodatabase* (шахсий маълумотлар базаси) танланади ва унга ном киритилади(2-расм).[2]




14-расм

Яратилган шахсий маълумотлар базаси ичига кирилади ва сичқончанинг ўнг тугмаси орқали *Feature Dataset* қатори танланади(3-расм). Натижада ҳосил бўлган *New Feature Dataset* дарчасига ном киритилади ва даде тугмаси орқали

навбатдаги координаталар тизими киритилади. Координаталар тизими кетма кетлиги қўйидаги тартибда амалга оширилади.

Танланган худудга тегишли зона белгиланади ва даде тугмачаси кетма-кет икки марта босилгач финш тугмаси орқани *Feature Dataset* дарчасига якун ясалади.



15-расм

Хосил бўлган *Feature Dataset* ичига кирилади ва яна бир бор сичқончанинг ўнг тугмаси босилиб *Feature Class* қатори танланади(4-расм).

Хосил бўлган *New FeatureClass* дарчасидаги Name бўшлиғига номланадиган объект номи киритилса *Type* бандидаги қаторлардан мавзули қатлам турига қараб қатлам хили танланади(5-расм). Масалан Майдонли қатламга *Polygon* ^{4-расм} *Features*, чизиқли қатламга *Line Features*, нуқтали қатламга *Point Features* ва ёзувли қатламга *Annotation Features* қаторлари танланади.

Дале тугмачаси босилгач яратилмоқчи бўлган қатлам хақида маълумот берувчи маълумотлар жадвали очилади.[3]

Field Name	Data Type
OBJECTID	Object ID
SHAPE	Geometry
Номи	Text
	Short Integer
	Long Integer
	Float
	Double
	Text
	Date
	Blob
	Guid
	Geometry
	Raster

16-расм


Field Name устунига қатлам ҳақида маълумот берувчи сўзлар киритилса, *Data type* устунига сузларнинг қай турда эканлиги кўрсатилади. Масалан: агар киритилган савол шаклидаги сўзлар жавоби сўз шаклида бўлса *Data type* устунидаги тур *Text*, санага оид савол бўлса *Date*, рақамларга оид савол бўлса *Double*, сурат ҳақида сўралган бўлса *Raster* бандлари танланади. Дарчанинг пастки қисмида жойлашган *Field Properties* буйруғидаги *Length* каторида кўрсатилган (50) **6-расм** рақам(и) *Field Name* устунида келтирилган савол сузларининг жавоблари учун қўйиладиган хоналар сони (масалан Номи – 4 хона, хоналар сони чекланмаган) киритилади ва *Finish* тугмаси босилади. Шу тариқа ҳар – бир қатламларни яратиш жараёни кузатилади.[4]

Юқорида келтирилган кетма-кетлик орқали географик ахборот маълумотлар базаси яратилади ва юритиш учун махсус тегишли дастурлар ёрдамида шакллантирилади.

3-босқич

Кучмас мулк-3 дастурида ердан фойдаланувчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш кетма-кетлиги.

11-жадвал

№	Сурат	Изоҳ
1		<p>Дастурий таъминотда ердан фойдаланувчиларни маълумотлар базасини яратиш жараёни</p>

2

Печать документов - Недвижимость 2.0 / Администратор / (ИС.Предприятие)

Печать документов

Печать копий: 1

ДОГОВОР – СЧЕТ
на оказание услуг/выполнение работ по технической инвентаризации и паспортизации недвижимого имущества и формированию кадастрового дела, с последующей государственной регистрацией вещных прав на жилое недвижимое имущество.

№103-004886 составлен 19 апреля 2013 г. г.Ташкент

Чиланзарское отд., ГУП "Служба землеустройства и кадастра недвижимости г. Ташкента", именуемое в дальнейшем ИСПОЛНИТЕЛЬ в лице инспектора отдела «Одно окно» Саиттаров Абдуважид Вахитович, действующего на основании Приказа №64 от 6 ноября 2008 года, с одной стороны и Убайдуллаев Рахим, именуемый в дальнейшем ЗАКАЗЧИК, с другой стороны, заключили настоящий договор о нижеследующем:

1. ПРЕДМЕТ ДОГОВОРА:

1.1. По настоящему договору ИСПОЛНИТЕЛЬ принимает на себя обязанность оказания услуг/выполнению работ по технической инвентаризации и паспортизации недвижимого имущества и формированию кадастрового дела, с последующей государственной регистрацией вещных прав на жилое недвижимое имущество, расположенное в г.Ташкенте, Чиланзарский район, адрес: ул. Бешкургон, 2 проезд, дом 56

№	Наименование работ, услуг	Ед. изм.	Кол.	Цена	Стоимость без НДС	НДС %	НДС сумма	Стоимость с НДС
1	Комплекс работ по инвентаризации зем.участков, зданий и сооружений	об.	1	10 000,00	10 000,00		Без НДС	10 000,00
=== ИТОГО ===					10 000,00			10 000,00

Сумма договора составляет: **Десять тысяч сум 00 тийин**
срок выполнения работ составляет 10 рабочих дней после оплаты.

1.2. По результатам оказания услуг/выполнения работ ИСПОЛНИТЕЛЕМ формируется кадастровое дело, которое выдается ЗАКАЗЧИКУ со свидетельством/актом о государственной регистрации вещных прав на кадастровые объекты.

1.3. Применение: Услуги по государственной регистрации вещных прав на кадастровые объекты ЗАКАЗЧИКА осуществляется с взиманием регистрационного сбора в размере 1/2 и 1/10 минимального размера заработной платы для юридических и физических лиц соответственно, за каждый кадастровый объект. В случае невозможности государственной регистрации

Маълумотларни
иловалаш жараёни

3

Печать документов - Недвижимость 2.0 / Администратор / (ИС.Предприятие)

Печать документов

Печать копий: 1

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси
Чилонзор тумани бўлими
Буюртмачи Убайдуллаев Рахим

2013 йил 19 апрель, 103-004886 сонли

Б У Ю Р Т М А

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддасига, Ўзбекистон Республикаси "Давлат кадастрлар тўғрисида" ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг " Ўзбекистон Республикаси бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида" ги 02.06.1997 йил 278-сонли қарорига асосан қуйидаги хизмат турларини бажариб беришингизни сурайман:

- бино-иншоотларни баҳолаб техник инвентаризациядан ўтказиш;
- давлат рўйхатидан ўтказиш;
- нотариал идораларга (опди-сотди, ҳады, мерос, ижара, гаров шартномани бекор қилиш, доимий фойдаланиш, умрбод таъминлаш айирбошлаш) маълумотнома тайёрлаш.

тагига чизилсин

Кўчмас мулк жойлашган манзил ул. Бешкургон, 2 проезд, дом 56

Объект гаровга қўйилган ёки таъқик солинган ... Йуқ

Кўчмас мулк эгаси ёки фойдаланувчиси Убайдуллаев Рахим

Ердан
фойдаланувчининг
буюртмаси ёки аризаси

4

Печать документов - Недвижимость 2.0 / Администратор / (ИС.Предприятие)

Печать документов

Печать копий: 1

Хабарнома

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати"
давлат унитар корхонаси, Чилонзор бўлими

Тўлов олувчининг СТИР: 300460884
Банк муассасаси: Мехнатское отд. АКИБ Ипотека Банк
Х/Р: 20210000004618194001 БММ рақами: 00423

Убайдуллаев Рахим
(фамилияси, исми ва отасининг исми)
ул. Бешкургон, 2 проезд, дом 56

яшаш манзили

19.04.2013 й. 103-004886 сонли	Пул миқдори
Тўлов мақсади: буюртма	
Кадастр хизматлари	10 000,00

Хазиначи


Тўловчи имзоси	Жарима	---
	Жами	10 000,00

Хабарнома

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати"
давлат унитар корхонаси, Чилонзор бўлими

Тўлов олувчининг СТИР: 300460884
Банк муассасаси: Мехнатское отд. АКИБ Ипотека Банк
Х/Р: 20210000004618194001 БММ рақами: 00423

Буюртмачи ёки
аризачига юборилган
хабарнома



Иш жараёнини амалга
оширишнинг
технологик харитаси

Недвижимость 2.0 / Ривсар Шариф Хамитиллаев / (ПС.Предприятие)

Мои задачи

Задача	Заказ №	Заказ дата	Кадастровый код	Недвижимость	Вид операции	Срок
Получить дело в архиве	103-004886	19.04.2013	10-03-07-02-01-5651	ул. Бешкуртон, 2 проезд, дом 56	Первичная регистрац...	03.05.2013 18:47:56
Инвентаризация	103-004871	19.04.2013	10-03-02-02-02-5048-0001-029	ка. 3, дом 67, кв. 29	Иные сделки перекла...	03.05.2013 11:22:02
Инвентаризация	103-004707	17.04.2013	10-03-03-01-02-5423	ул. Пугачев, Бульвар, дом 206	Наследование	26.04.2013 15:57:00
Инвентаризация	103-004225	05.04.2013	10-03-03-01-02-5169	ул. Пугачев, 1 проезд, дом 9	Иные операции	15.04.2013 9:14:27
Инвентаризация	103-004198	04.04.2013	10-03-05-01-03-5058-0001-058	ка. 20, дом 34а/б, кв. 58	Купля-продажа	11.04.2013 14:58:57
Состояние	103-003776	27.03.2013	10-03-02-02-04-5049-0001-012	ка. 1, дом 61, кв. 12	Иные операции	09.04.2013 0:00:00

Дастурий таъминотдаги
топшириқларни
бажариш жадвали

Недвижимость 2.0 / Саттаров Абдурақиб Вахитов / (ПС.Предприятие)

Мои задачи

Задача	Заказ №	Заказ дата	Кадастровый код	Недвижимость	Вид операции	Срок
Корректировка заказа	103-004352	10.04.2013	10-03-03-01-03-5005-0001...	ул. Бунайвор, дом 18, кв. 26	Купля-продажа	19.04.2013 8:17:34

Дастурий таъминотдаги
топшириқларни
бажариш жадвали

Подготовить и перед... 103-012130001 от 27.04.2013 3... (ПС.Предприятие)

Подготовить и передать дело Исполнителю 103-012130001 от 27.04.2013 ...

Записать и закрыть

Автор: Администратор Дата: 27.04.2013 3:53:32 Номер: 103-012130001

Исполнитель: Архивариус Срок: 03.05.2013 18:47:56 Важность: Обычная важная

Выполнил: Дата: 27.04.2013 12:53:02

Первичная регистрация - ул. Бешкуртон, 2 проезд, дом 56
ул. Бешкуртон, 2 проезд, дом 56 10-03-07-02-01-5651

Заказ 103-004886 от 19.04.2013 18:47:56


История выполнения:

Комментарий:

Выполнено


Ердан фойдаланувчини
давлат рўйхатидан
ўтказишда
тўлдирилиши лозим
бўлган дарча

9




Ердан фойдаланувчини
давлат рўйхатидан
ўтказишда
тўлдирилиши лозим
бўлган дарча

10




Давлат рўйхатидан
ўтказилган ердан
фойдаланувчилар
рўйхати

11



Ердан
фойдаланувчиларга
тегишли бўлган бино ва
иншоотларни рўйхатга
олиш жадвали

12



Ердан
 фойдаланувчиниларни
 ер участкаларига
 бўлган ҳуқуқларини
 давлат рўйхатидан
 ўтказишга ҳуқуқий асос

13

КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИНИНГ КАДАСТР ИШИ

Кўчмас мулк эгаси: Убайдуллаев Рахим

Кўчмас мулк жойлашган манзил: тумани, Бешкүргон, 2 тор кўчаси, 56 уй

Қандай юридик ҳужжатларга асосан эгалик қилади: ер участкасига: Гос.нотариальная контора 1-Яккасаройнинг 24.04.2013 й. № 457/44 Олди-сотди шартномаси
бино-иншоотига:


Иқтисодий зонаси: 01

Кадастр рақами: ер участкасига: :03:07:02:01:5651
бино-иншоотига: :03:07:02:01:5651:0001-0002

Юридик ҳужжат бўйича ер майдони (кв.м):	866,74
Ер участкасининг умумий майдони (кв.м):	866,74
Ўзбошимчалик билан қўшиб олинган ер майдони (кв.м):	----
Қурилиш остидаги участка майдони (кв.м):	135,00
Бинопарнинг умумий майдони (кв.м):	92,14
Бинопарнинг яшаш майдони (кв.м):	69,94
Яшаш хонапар сони:	3
Асосий бинопар сони:	1
Ёрдамчи бино-иншоотлар сони:	1
Бино-иншоотларнинг инвентар нархи (сўм):	15 000 000
Қўшимча маълумотлар:	

Ер участкаси ҳудудида
 жойлашган бино ва
 иншоотига оид
 маълумотлар
 жамланмаси

14



Кучмас мулк-3
 дастурида ер
 участкалари ва ер
 участкалари ҳудудида
 жойлашган бино ва
 иншоотларни
 шикиллантирилган
 маълумотлар базаси

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида, ҳозирда республикамиз ҳудудидаги барча соҳа мутахассислари томонидан марказлаштирилган

сервер тармоғи орқали онлайн тарзда юритиш ва шакиллантириш амалга оширилмоқда. Хукуматимизнинг топшириқларини сифатли ва самарали бажаришда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириш орқали юқори натижаларга эришилмоқда. Бу эса ердан фойдаланувчиларни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг замонавий технологиялари ҳисобланиб, ўз навбатида бу жараёнлар ўз самарасини бермоқда.

Хулоса

Битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида давлат кадастрларининг ягона тизимини яратиш тўғрисида» 496 –сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1-сонли қарори асосида бажарилиб, ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ерларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг замонавий технологияларини қўллаган ҳолда ердан фойдаланишни ўз вақтида назорат қилиш ва ундан оқилона ва самарали фойдаланиш, ижара муносабатларини ривожлантиришда ер кадастрини юритиш масалаларига эътибор қаратилди. Битирув малакавий ишининг объекти сифатида танланган Қашқадарё вилояти Косон тумани Гувалак массиви мисолида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантириш ишлари бажарилди.

Қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш мақсадида Гувалак массивининг табиий шароитлари ва ерлардан фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Республикамизда ер муносабатларини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қонунлар, фармонлари ва ер кадастрини юритишга оид меъёрий ҳужжатлар асосида Гувалак массивидаги бошқа ердан фойдаланувчи субъектларнинг ер участкалари мисолида кадастр рақамларини шакллантириш ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш ишлари бажарилди.

Массивда ўтказилган ер участкаларини рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантириш ер билан боғлиқ ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилишда, қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг ривожланишида катта амалий аҳамиятга эгадир.

Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида ер кадастри ишларини, жумладан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантириш ва унинг маълумотлари асосида ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ерларда мулкчилик шаклларини ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлдим. Бу назарий ва амалий билимларни амалиётда қўллай олиш малакаларига эга бўлдим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: 2008.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016-566.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. «Газета.uz»
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Шарқ, 2000.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида. Ўзбекистон, 2011 йил.
7. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2009
8. Бобожанов М. Рахмонов К. Ер кадастри. Т.: Агроинформ, 2002
9. Аvezьбаев С., Волков С.Н. Ер тузишнинг илмий асослари. Т.: «Иқтисод-Молия», 2006
10. Аvezьбаев С., Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. Т.: «Янги аср авлоди», 2002
11. Аvezьбаев С., Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004
12. Ер ҳуқуқи. М.Ҳ. Рустамбоев таҳрири остида. Дарслик. Т.: Тошкент юридик институти, 2002.
13. Бабажонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. Т.: ТИМИ, 2008.
14. Бобожонов А.Р., Денисов В.В., Рахимов Э.Р. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва уларни баҳолаш. Т. 2002.
15. Қурбонов Э.Қ., Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р. Ер кадастри асослари. Т.: ТТЕСИ, 2000
16. «Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер ҳисоби» мавзусидаги босқич ишини бажаришга услубий кўрсатмалар. Туз. Бобожонов А.Р., Рузибоев С.. Т.: ТИМИ, 2008.

17.5410700–“Ер тузиш ва ер кадастри” йўналишидаги бакалаврлар учун битирув малакавий ишени бажариш бўйича методик кўрсатма. Туз. Аvezьбаев С.А., Гофиров А.Ж., Муқумов А.М. Т. ТИМИ, 2011

18. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулудда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.: Янги аср авлоди, 2005

19. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.: Меҳнат, 2000

20. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Ўқув кўлланма. Т.: ТИМИ, 2007

21. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув кўлланма. Т.: 2002

22. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Т.: «Ер геодезикадастр» давлат қўмитаси, 2011

23. Интернет маълумотлари:

1. www.gkk.uz

2. www.kadastr.uz

ИЛОВАЛАР